



210100, O‘zbekiston Respublikasi, Navoiy viloyati, Navoiy sh., Navoiy ko‘chasi, 27-uy. Tel.: +(998) 792277164,  
STIR 308425864, e-mail: [info@ngmk.uz](mailto:info@ngmk.uz), Exat: [nkmk@exat.uz](mailto:nkmk@exat.uz), [www.ngmk.uz](http://www.ngmk.uz)

20 24 yil “ 25 ” 01 № 13/02-03-01/881

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазирлигига

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси бўйича таклифларимиз қуйидагича:

Фармон лойиҳасининг 1-илоvasи 11-банди:

“табiiй офатлар ва техноген ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш учун товар(иш, хизмат)лар”;

20 банди:

“махсус ва хизмат автотраспорт воситаларига эҳтиёт ва бутловчи қисмларини ўрнатишни инобатга олган ҳолда, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хизматлари, шунингдек, тиббиёт ускуналарини таъмирлаш бўйича хизматлар”

тахрири инобатга олиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Чунки, 11 банднинг “...давлат буюртмачисининг тўлақонли фаолият олиб боришига таъсир кўрсатувчи коммуникациялар, механизмлар, жиҳозлар ва бошқа асбоб-ускуналарнинг ишдан чиқиши ҳолатларида аварияларни бартараф этиш учун товарлар (ишлар, хизматлар)” ҳар ҳил маънода талқин қилиниши мумкин. Шунингдек, 20 бандга қўшимча бўлган “...эҳтиёт ва бутловчи қисмларини ўрнатиш...” корпоратив буюртмачилари учун ишлаб чиқариш жараёнларини самарали ташкил этиш ва қўшимча шартномаларни тузиш бўйича сарфланадиган вақтни тежаш учун хизмат қилади.

18-банди:

Мазкур илова билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилган товар (иш, хизмат)лар рўйхати тасдиқланаётган бўлиб, унинг

18-бандида товар (иш, хизмат) эмас, балки уларни молиялаштириш манбаси кўрсатилган. Мазкур рўйхатда келтирилган товар (иш, хизмат)ларни молиялаштириш манбасидан қатъий назар тўғридан-тўғри шартнома орқали харид қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 73-моддасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари молия йили мобайнида иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги қўшимча, кўзда тутилмаган харажатлар ўз вақтида ҳамда узлуксиз молиялаштирилишини таъминлаш учун ташкил этилганлиги белгиланган.

Шунга кўра, тақлиф қилинаётган Рўйхат лойиҳасининг 18-бандини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Бошқарув раиси-Бош директор**



**К.С. Санақулов**

Ижрочи: Н.Т. Шомуродов  
Тел.: +99879 227 7631